

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январ-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 13270,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январ-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 104,0 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январ-сентябр ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 149,2 фоизни ташкил қилди.

### Январ-сентябр ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2017 йил январ-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>8546,8</b>	<b>13270,8</b>	<b>104,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	8233,5	12732,3	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	313,3	538,5	104,7
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>8233,5</b>	<b>12732,3</b>	<b>104,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1246,8	1709,8	102,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4997,3	8564,7	103,1
саноат	4571,6	7946,9	101,2
қурилиш	425,7	617,8	123,1
Хизматлар	1989,4	2457,8	107,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	561,6	692,0	104,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	375,1	435,5	111,4
бошқа хизматлари	1052,7	1330,3	108,0

## Январ-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)



2018 йилнинг январ-сентябр ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири бошқа соҳа хизматлари (108,0%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (111,4%), Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (103,1%) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (102,1%), тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 32,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январ-сентябрга нисбатан 6,8 фоизли бандга камайди.

2018 йил январ-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 19,3 фоиз (2017 йил январ-сентябрида 24,2 фоиз)ни ташкил қилди.